



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 1988-4
2021 - vil 08 - oktabr

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУГИ

Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш,
топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Интеллектуал мулк обьектларининг хуқуқий муҳофазаси янада
такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2009 йил 24 июндаги 72-
сон буйруғи (рўйхат рақами 1988, 2009 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари
тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 353-модда) билан тасдиқланган Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш
белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига иловага
мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Адлия вазири

Тошкент ш.
2021 йил 07 октябрь,
18-мҳ сон



Davletov R. K.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг
2021 йил “07” октябрдаги
18-мҳ-сон буйруғига

илова

**Товар белгиси ва хизмат қўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш,
топшириш ва кўриб чиқиши қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддима куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат қўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқкан жой номлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ товар белгиси ва хизмат қўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш тартибини белгилайди.”.

2. 1-банднинг учинчи хатбошиси “Ўзбекистон Республикаси” деган сўзлардан кейин “Адлия вазирлиги хузуридаги” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. Куйидаги мазмундаги 92¹ – 92³-бандлар билан тўлдирилсин:

“92¹. Талабнома берувчининг хоҳишига кўра талабноманинг экспертизаси ваколатли орган томонидан тезкор тартибда, яъни талабнома кўриб чиқишига қабул қилинганилиги тўғрисида қарор чиқарилган қундан эътиборан бир ой мобайнида ўтказилади.

Талабноманинг экспертизасини тезкор тартибда ўтказиш талабнома берувчининг бу ҳақидаги илтимосномасига асосан амалга оширилади. Бунда экспертизани тезкор тартибда ўтказиш ҳақидаги илтимоснома ваколатли органга талабнома билан бир пайтда ёки у топширилган санадан эътиборан уч ой давомида тақдим қилиниши керак.

92². Талабноманинг экспертизасини тезкор тартибда ўтказишида ахборотни излаш товар белгисининг ҳуқуқий муҳофазага лаёқатлилигини текширишдан олдин амалга оширилади.

Ахборотни излаш талабнома берувчи ва ваколатли орган ўртасида тузиладиган шартнома асосида ваколатли орган томонидан ўтказилади.

92³. Ахборотни излаш расмий экспертиза якунланган қундан бошлаб ўн кун ичida амалга оширилади ва унинг натижалари бўйича ҳисбот тузилади.

Ахборотни излаш натижалари бўйича ҳисботда куйидаги маълумотлар қўрсатилади:

излаш ўтказилган талабнома рақами;

талабнома топширилган сана;

талабномада қўрсатилган белгининг ТХХК бўйича синфлари;

ахборотни излаш ўтказилган белгининг тасвири;

маълумотлар базалари, луғатлар, маҳсус адабиётлар рўйхати;

билиографик маълумотлар қўринишидаги ахборотни излашга алоқадор ҳужжатлар, муайян синфларга ҳаволалар. Агар талабнома бўйича илгарироқ устуворлик сўралаётган бўлса, талабнома

топширилган санадан аввал, лекин устуворлик белгиланган санадан кейин эълон қилинган белгилар алоҳида қайд қилинади;

ахборотни излаш якунланган сана.

Оммага маълум бўлган ҳар қандай маълумотлар ахборот излашнинг ҳажмига киритилиши мумкин.”.